

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзбекизовқатзахира”

уюшмаси раиси



З.О.Файзиев

З.О.Файзиев 2018 йил

**Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини ташкил этишга
кўмаклашиш бўлими тўғрисида**

Н И З О М

I. Умумий қоидалар:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 20 октябрда қабул қилинган ПҚ-3344 сонли қарорининг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекизовқатзахира” уюшмаси (бундан буён Уюшма деб юритилади) ижро этувчи аппарати тузилмасига асосан Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш бўлими (бундан буён Булим деб юритилади) “Республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва Уюшма фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар ташкил этиши белгиланган.

1.2. Бўлим Уюшманинг умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда қабул маросимларини Республика ва халқаро миқёсида ўтказилишига кўмаклашади.

1.3. Мазкур Низом Бўлимнинг вазифаларини, ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини белгилайди.

1.4. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек Уюшманинг буйруқлари, Бошқарув қарорлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

1.5. Бўлим ўз фаолиятини Уюшманинг раиси раҳбарлигида амалга оширади ва кундалик амалий фаолиятида Уюшма раисига бўйсунди.

1.6. Бўлим ўз фаолиятини Уюшма марказий девонининг бўлим ва бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари:

2.1. Бўлим Республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этади ва юқори савияда ўтказди.

2.2. Бўлим Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлардаги ҳудудий “Озиқовқаттаъминот” филиалларида ўз мутахассислигига эга.

2.3. Бўлим Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги “Озиқовқаттаъминот” филиаллар билан биргаликда умумий овқатланиш корхоналарини ташкил қилади ва уларга амалий ёрдам қилади.

2.4. Бўлим вилоят Қорақалпоғистон Республикаси ва “Озиқовқаттаъминот” филиалларидаги умумий овқатланиш корхоналари учун юқори малакали ошпаз ва официантларни танлаш ва уларни ишга жалб қилишда амалий ёрдам қилади.

2.5. Бўлим ходимларни малакасини ошириш мақсадида ўқиш, тренинг, мастер класслар ташкил қилади.

2.6. Бўлим ходимларни малакасини ошириш мақсадида чет элдан юқори малакали ўқитувчи ва уста ошпазларни таклиф қилади.

2.7. Бўлим Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлардаги “Озиқовқаттаъминот” филиаллардаги умумий овқатланиш корхоналари учун керакли ошхона жихозлари билан таъминлашида амалий ёрдам қилади.

2.8. Бўлим Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлардаги “Озиқовқаттаъминот” филиаллари билан туристларни овқатлантириш учун туристик филиаллар билан контрактлар тузишда амалий ёрдам беради.

2.9. Бўлим ресторан бизнеси мутахасислиги бўйича таълим берадиган коллежлар билан ҳамкорлик қилади.

2.10. Бўлим ходимлари ўз малакаларини доимо ошириб боради.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги:

3.1. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2. Уюшма номидан Бўлим ваколати доирасидаги масалалар бўйича вакиллик қилиш;

3.3. Бўлим ваколатига доир масалалар бўйича белгиланган тартибда йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

3.4. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар, функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Уюшмага аъзо корхоналардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

3.5. Бўлим хизмат доирасида йиғилишлар чақириш ва ўтказиш, бу йиғилишларга илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилот мутахасисларини жалб қилиш;

3.6. Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Уюшманинг бошқа бўлимлари билан зарурий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда, уларнинг ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда иштирок этиш;

3.7. Раис ва унинг ўринбосарлари томонидан ҳужжатларни бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Уюшмада тасдиқланган Регламент, Иш юритиш тартиби, ижро интизомини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома талабларидан келиб чиқиб, бўлим ҳужжатларининг ижро муддатини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

IV. Бўлимнинг жавобгарлиги.

4.1. Бўлим фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, мажлис баёнлари, кўрсатмалари, Уюшманинг буйруқлари, баёнлари, қарорлари ва раҳбарият топшириқларининг ўз вақтида ижро этилиши учун жавоб беради.

4.2. Бўлимнинг тузилмаси Уюшма раиси томонидан тасдиқланади.

4.3. Бўлимнинг бошлиғи, 2-бош мутахассислари белгиланган тартибда раис буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

4.4. Бўлим ишига бошлиқ раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи Уюшма бошқарувининг Раиси ва Раис ўринбосарларига бўйсунди. Бошқарув Раисининг буйруғи билан ишга тайинланади ва вазифасидан озод этилади.

4.5. Бўлим ходимлари бўлим бошлиғига бўйсунди, унинг тавсиясига биноан Уюшма раиси томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

4.6. Бўлим бошлиғи ишни ташкиллаштиради, фаолиятига раҳбарлик қилади. Бўлимга юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади.

4.7. Бўлимга юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда меҳнат ва ижро интизомига риоя этилиши бўйича тўлиқ мажбурият Бўлим бошлиғи зиммасига юклатилади.

4.8. Бўлимнинг фаолияти Уюшма тўғрисидаги Низомга, Уюшмада Иш юритиш бўйича Йўриқномага, Иш тартибига ва ушбу Низомга, раис ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, Уюшма буйруқлари, баён қарорларига мувофиқ ташкил этилади.

V. Бўлимнинг тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш.

5.1. Бўлимнинг тузилмаси “Ўзбеккозиқовқатзахира” уюшмаси раиси томонидан тасдиқланади.

5.2. Бўлимнинг бошлиғи ва мутахассислари белгиланган тартибда раис буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5.3. Бўлимнинг фаолияти “Ўзбеккозиқовқатзахира” уюшмаси тўғрисидаги Низомга, Уюшмада Иш юритиш бўйича Йўриқномага, Регламентга, Иш тартибига ва ушбу Низомга, раис ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, Уюшма буйруқлари, баён қарорларига мувофиқ, шунингдек Бўлимнинг иш режалари асосида ташкил этилади.

5.4. Бўлимнинг иш режалари раис томонидан тасдиқланади.

VI. Бўлимни Уюшманинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари.

6.1. Бўлимнинг Уюшма таркибий бўлинмалари билан ўзаро муносабатлари ушбу Низом ва таркибий бўлинмаларнинг Низомлари билан белгиланади.

VII. Бўлимни тугатиш ва қайта ташкил этиш.

7.1. Бўлим белгиланган тартибда Уюшма раисининг буйруғи билан тугатилиши ва қайта ташкил этилиши мумкин.

Ифтихор
А. Рахмонов

Қазақстан Республикасының
Президентінің Әкімі